

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун
48- сонли ШАРТНОМА**

«20» 06 2022йил.

Андижон шахар

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Б.Абдурахимов** ва бундан буён **Бажарувчи** деб аталувчи "**МИМАХ-ROAD**" **М.Ч.Ж.**, бошлиғи **С.Закирова** буюртмачининг танлов хужжатларига асосан куйидаги шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги "Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-249-сон карорига мувофиқ Андижон вилояти ҳудудидаги ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ лойиҳа ишларини бажариш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марҳамат туман "Увайсий" МФЙ "Бешмирза" кўчасига цементбетон қоплама ётқизиш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиши топширади. Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Танлов комиссиясининг 2022-йил 16 июн кунги № 101282-сонли йиғилиш баённомасига асосан лойиҳа-смета ишларини бажариш билан боғлиқ ишларга шартнома тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан **6 959 000 (олти миллион тўқиз юз эллик тўқиз минг)** сўмни ташкил қиласди. Шундан ЛСХ харажатлари қийматининг 30% микдорида (аванс) бўнак тўлови бу ҚҚС билан **2 087 700 (икки миллион саксон етти минг етти юз)** сўмни ташкил қиласди.

2.2. Колган **4 871 300 (тўрт миллион саккиз юз етмиш бир минг уч юз)** сўм тўлов 2022-йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўм амалга оширилади. 2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи микдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳак тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

ишлилар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлилар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Лойиҳа-смета хужжатлари топшириш муддати 5 (беш) иш куни мобайнида.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳаки ўз вақтида ўтказилмаган холда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳаки кечикирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган холда Бажарувчи бухгалтерия хисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-ракамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳакли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган хисобот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартномада 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишларни қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вакти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

6.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларига давлат экспертиза хулосаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хулосасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгарилилгандан сўнг Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равища жалб қилиш хуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирида, қонунларда белгиланган тартибда ва Андижон вилояти иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул

аблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишига ва қарздорлик ёпилғандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳакли.

7.9. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

"Ягона Буюртмачи хизмати" ИК

Манзил: Андижон шахар,

А.Навоий кўчаси №45-үй.

тел/факс:(0-374) 223-08-38

ИНН: 200238014 ОКОНХ : 69000

ШХР: 304521860034017045129118110

Марказий Банк Тошкент шахар бош бошқармаси Уз.Рес.Молия Вазирлиги

X/p: 23402000300100001010

МФО: 00014


Б.Абдурахимов



Хукуқшунос:

Бажарувчи

"MIMAX-ROAD" МЧЖ

Андижон шахри Махжурий кўчаси 27-үй

Телефон: (+99890) 526 1980

X/r: 2020 8000 8009 9958 2001

Асака Банк Андижон вилоят бўлими

МФО: 00069 ИНН: 306 098 110

ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110


С.Закирова

